

АМИР ТЕМУР АРМИЯСИДА ҲАРБИЙЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

ДУХОВНЫЙ ОБЛИК ВОИНОВ В АРМИИ АМИРА ТЕМУРА

THE MORAL IMAGE OF THE MILITARY IN THE ARMY OF AMIR TEMUR

Yunusjon SH. AKHMEDOV,

*Military - academic lyceum «Temurbeklar maktabi»
of the state security service of the Republic of
Uzbekistan,*

*Honorary Professor of the Turan Academy of
Sciences.*

akhmedov.yunusjon2301@gmail.com

*Tashkent city, Yunusabad district, Yangishahar street
3A.*

DOI: 10.47980/PAU/2021/3/5

Аннотация: Мамлакат мудофааси ва Ватан хавфсизлигини таъминлаш тарихий тараққиётнинг барча босқичларида давлатнинг энг асосий вазифаси бўлган. Мана шу вазифани самарали амалга оширган мамлакатлар ўзининг мустақиллигини сақлаб қолишга, иқтисодий тараққиётини муваффақиятли таъминлаш имкониятига эга бўлишган. Мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашда мамлакат армиясининг қудрати, унинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбийларни маънавий қиёфасининг аҳамияти жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки айнан шу омиллар армиянинг ўз олдига қўйган мақсадларни юзага чиқаришнинг гарови ҳисобланади. Тарихий жараёнда амал қилган мамлакатларнинг турли даврдаги ҳаёти ўрганилса фикримизни исботлайдиган жуда кўп мисолларни учратишимиз мумкин.

Соҳибқирон Амир Темура ҳам ўз даврида кучли марказлашган давлатни барпо этиб, ўз давлатини мудофаасини таъминлаш, муваффақиятли ҳарбий юришларни ўтказиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш ишига жиддий эътибор берган. Натижада мамлакат ташиқи ва ички хавфлардан самарали ҳимоя қилинган, давлатнинг иқтисодий қудрати ошиб бориб тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлган, мамлакатда аҳолининг ижтимоий фаровонлиги ҳам ошиб борган. Амир Темура ўз олдига қўйган ҳарбий ва сиёсий мақсадларни амалга оширишда ўз қўшинининг кучига таянган, унинг ёрдамида ўз даври учун жуда кучли давлатни бунёд этишга эришган, ҳал қилувчи жангларда ўзининг кучли рақиблари устидан ғалабаларни қўлга киритган. Амир Темура армиясининг ғалабаларини сабаби ҳамма вақт қўшиннинг сон жиҳатдан кўплиги ва қуролланганлик даражасига

боғлиқ бўлмаган, бу ҳолатни Темурнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтган. Бу фикрлардан кейин Соҳибқироннинг қўшинида сипоҳийларни қайси мақсадлар бирлаштириб турган, уларнинг маънавий қиёфаси қандай бўлган, деган саволлар вужудга келади.

Мазкур мақолада Амир Темура ҳаёти ва фаолиятига оид “Темура тузуклари” ва бошқа тарихий асарларни ўрганиш орқали муайян даражада тўпланган маълумотларда Соҳибқирон армиясидаги сипоҳийларни ахлоқий ҳолати, уларнинг маънавий қиёфаси тадқиқ этилган. Бундан ташқари мақолада Амир Темура армиясидаги сипоҳийларнинг фаолиятини тартибга солишда уларга нисбатан ҳукмдорнинг ўзи томонидан амалга оширилаётган воситалар, уларнинг берадиган натижалари, сипоҳийларни фаолиятида риоя қилиши лозим бўлган қоидалар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Амир Темурнинг сипоҳийларга ибрат бўладиган шахсий сифатлари, уларни қўшинда фаолият олиб борадиган сипоҳийларга кўрсатадиган таъсири ҳам мақолада ўз ифодасини топган.

Калим сўзлар: Соҳибқирон, ватан хавфсизлиги, сипоҳ, сипоҳнинг маънавий қиёфаси, ҳарбий салоҳият, маънавий салоҳият, тузуклар, раият, баҳодирлар, сипоҳсолор, амирлар, ҳудудий яхлитлик.

Аннотация: В любом историческом периоде оборона страны и обеспечение её безопасности были основными функциями государств. Те государства, которые успешно решали эту задачу, могли сохранять свою независимость, обеспечивали стабильный экономический рост. В обеспечении защиты и безопасности государства важную роль играет сила армии, её боеспособность и духовное состояние военнослужащих. Потому что именно такие факторы играют решающую роль в решении тех задач, которые стоят перед вооруженными силами государства. Изучая деятельность разных государств в разные исторические периоды, мы можем найти многочисленные примеры, которые доказывают наши утверждения.

Великий полководец Амир Темура в свое время создал сильное централизованное государство, обратив все внимание на защиту своего государства от внешних врагов, совершение победоносных военных походов и обеспечение государственной безопасности. В результате государство Темура было защищено от внешних и внутренних угроз, был обеспечен экономический рост государства, в стране царили мир и спокойствие, и благосостояние населения постепенно возросло. Амир Темура, опираясь на мощь своей армии, достиг своих военных и политических целей. Если сравнить с другими государствами, он смог в свое время создать сильнейшую армию и победить своих основных противников в решающих битвах. Но причины всех этих побед не всегда определялись количеством и уровнем вооруженности армии. Это в своих улоблениях часто утверждал и сам Амир Темура. В таком случае появляется вопрос: какие цели объединяли воинов армии Амира Темура, каким был духовный облик воинов, которые одерживали практически во всех своих сражениях только победы.

В данной статье на основе изучения жизни и деятельности Амира Темура и исторических произведений, относящихся к жизни Сахибкирана предоставлены сведения о моральном духе армии и духовном облике воинов Амира Темура. Кроме этого в статье рассматривается, какие методы использовал Амир Темура для сохранения порядка в своей армии, и к каким результатам они привели, какие действия совершал лично правитель, чтобы стать примером для своих воинов, и какое воздействие оказывали эти действия на воинов. В статье на основе ярких примеров показано, каким требованиям должны были отвечать воины армии Амира Темура, какие правила они должны были соблюдать, и как эти требования действовали на моральный облик и духовное воспитание воинов.

Ключевые слова: Сахибкиран, безопасность Родины, воин, духовный облик воина, военный потенциал, духовный потенциал, уложения, народ, герои, военачальники, эмиры, территорияльная целостность.

Abstract: The strength of the country's army, its combat readiness, the moral image of the military plays an important role in ensuring the defense and security of the country. These factors are the key to achieving the goals set by the army. When we study the life of the countries in different historical periods, we come across many examples that prove our point.

Sahibkiran Amir Temur at one time built a strong centralized state and paid serious attention to the organization of the defense of his country, the conduct of successful military campaigns, ensuring national security. Amir Temur relied on the strength of his army to achieve his military and political goals, with the help of which he managed to build a strong state and won serious victories over his powerful rivals in decisive battles. The reason for the strength of Amir Temur's army did not always depend on the size of the military forces and the level of armament, as Timur himself pointed out. After these thoughts, the question arises as to what goals united the soldiers in the army of Sahibkiran, and what was their spiritual image.

In this article, a certain amount of information collected through the study of historical works on Amir Temur's life shows the moral condition of the soldiers in the army of Amir Temur, their spiritual image with specific examples. In addition, the article examines what methods Amir Temur used to maintain order in his army, what results in they led, what actions the ruler personally performed to become an example for his soldiers, and what impact these actions had on the soldiers. The article exposes what requirements the soldiers of Amir Temur's army had to meet, what rules they had to observe, and how these requirements affected the moral character and spiritual education of the soldiers.

Keywords: Sahibkiran, homeland security, the moral condition, military potential, spiritual potential, rules, citizens, heroes, emir, personal qualities, territorial integrity.

КИРИШ

Ватанимизнинг мустақиллигини, хавфсизлигини муҳофаза этишни ўзининг ҳаётий меъёрига

айлантирган, Ватан манфаатларини ўзининг шахсий манфаатларидан устун қўя олган кишиларнинг садоқатли хизматлари эвазига бугун мамлакатимизда тинчлик барқарор, ижтимоий ҳаёт бир маромда ривожланиш сари кетмоқда, ёшларимиз ўзининг эзгу орзу-умидлари сари дадил одимлаб боришмоқда.

Инсоният тарихига эътибор берилса давлатларнинг хавфсизлиги, миллий мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳамиша шарафли касб ҳисоблаб келинган. Давлатлар эса ўзларининг мустақиллигини, хавфсизлигини ҳимоя қилишни маънавий ва ҳарбий салоҳият уйғунлашган кучли армия, ватанга садоқатли фуқаролар ҳамкорлигида амалга оширишган, яъни халқ ва армия бирлиги тамойилини ҳаётга тадбиқ этиш орқали муваффақиятларга эришишган.

Тарихий тараққиёт давомида давлатларнинг ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган армиялар, уларнинг мақсади, бажарган вазифалари маълум маънода бир-биридан фарқ қилган. Армиялардаги қўшиннинг маънавий қиёфаси, қўшиннинг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлиги ҳарбий ҳаракатлар давомида жуда катта аҳамият касб этган. Мавзуга оид тадқиқот олиб бориш давомида давлат арбоби, буюк саркарда Амир Темура қайси усулларни қўллаб мустаҳкам қўшин тузишга эришган, унинг қўшинида ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик даражаси қандай эди, қўшиндаги сипоҳийлар ўзларининг инсоний мақомини жангу жадал пайтида йўқотиб қўймасликлари учун нималарга эътибор берилган, умуман олганда Соҳибқироннинг армиясидаги қўшиннинг маънавий қиёфаси қандай эди, деган саволларга жавоб излашга ҳаракат қилинган.

Дунё давлатчилиқ тарихида, жумладан халқимизнинг қадимий ва бой тарихида улкан из қолдирган Амир Темура ҳам ўз вақтида сипоҳ ва раиятга бир кўз билан қараганини, сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довуракларни мартабасини кўтарганлиги унинг давлатчилиқни мустаҳкамлашдаги асосий тамойилларидан бири бўлган. Унинг фарзандларига, авлодларига қолдирган “Тузуқлари”даги “Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисига зулм кўрсатиб, оёқости қилолмас эди. Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларниқидан ортиқроқлигини кўрсам, уни тарбиямга олдим” (Темура тузуқлари, 2016:92) деган фикрларидан, шуни англаш мумкинки, Соҳибқирон сипоҳ ва раиятни ўзаро уйғун тушунча сифатида билган, ақлли ва шижоатли кишиларни қадрлаган, улар вақти келганда энг масъулиятли лаҳзаларда мамлакат тақдирига, унинг хавфсизлигига жонини фидо қилишига маънан тайёр бўлишига ишонган.

Ўзбекистоннинг давлат хавфсизлиги, унинг миллий манфаатлари, конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегаралари, муҳофаза қилиниши оширишга қаратилган мавжуд барча ҳуқуқий нормаларда асосий эътибор шу мақсадларни амалга оширувчи нафақат жисмоний, балки ақлий ва маънавий етук, руҳий барқарор инсон омилига қаратилган. Шу ўринда кўпчиликда қизиқиш уйғотадиган савол туғилади. Ҳаёти мазмунини “миллатнинг дардига дармон бўлишдан иборат”, деб билган Соҳибқироннинг давлатида умрини Ватан ҳимоясига бахшида этган ҳарбийлар жисмоний ва ҳарбий салоҳиятдан ташқари яна қандай хусусиятга эга бўлишган, қандай ўзига хослик уларни мунтазам ғалабаларини таъминлаган, аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак уларнинг маънавий қиёфаси қандай бўлган деган саволларга жавоб бериш орқали бугунги ватан ҳимоячиларига Амир Темурнинг меросини, унинг тажрибаларини тарғиб этишимиз мумкин.

УСЛУБЛАР

“Темур тузуклари” ва Соҳибқирон билан замондош тарихчиларнинг Темур ҳақида ёзган асарларини ўрганар эканмиз, Темур армияси ғалабаларининг сири нимада, қайси усуллар орқали у мақсадларига эришган, қайси воситалар орқали кўшинни ҳал қилувчи жангларда ғалабага эришишини таъминлаган, кўшиндаги сипоҳийнинг маънавий қиёфаси қандай бўлган, деган саволларга жавоб олиш билан бир қаторда Амир Темур тажрибаларидан ибрат олса арзигулик кўплаб жиҳатларга рўбарў келамиз. Аввало шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Амир Темурнинг “Билаги зўр бирни, билими зўр мингга йиқар” деган ҳикматли сўзини ўқиб шундай хулосага келиш мумкинки, у ўзининг армиясидаги ҳар бир сипоҳдан ақл-идрокли бўлишни, ўз касбини сирларини яхши ўзлаштириши лозимлигини талаб этган. Чунки Соҳибқирон ўзининг ҳаётий тажрибаларида кўрганки, “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингга тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир” (Темур тузуклари, 2016:14).

Амир Темур ҳарбий ғалабаларининг сири ҳеч қачон кўшиннинг сонига боғлиқ бўлмаган, балки ғолиблик кўпинча Темур ва унинг атрофидаги ҳарбий етакчиларнинг ақлу-заковати, ҳарбий билимдонлиги, уларнинг мардлигу жасорати натижасида юзага келган. “Мен яна тажрибамда кўрдимки, ғаним лашкарини енгиш кўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (Тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир” (Темур тузуклари, 2016:14), деб Соҳибқирон авлодларига ёзиб қолдиради.

Амир Темур кўшинидаги сипоҳнинг маънавий қиёфаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун Темурнинг ўзини ҳам жангу-жадалларда тобланган бир ҳарбий сифатидаги маънавий қиёфасига бир неча мисоллар орқали назар солиш масаланинг моҳиятини ечишда алоҳида ёрдам беради. Замондошларининг ёзиб қолдиришича Амир Темур оддий жангчидан фарқли ўлароқ атрофида кўпчиликни уюштира оладиган, уларни муайян мақсадларга сафарбар эта оладиган, мардлик ва жасорат бобида ўз атрофидагиларга ибрат намунаси бўла оладиган ҳарбий бўлганлиги учун ҳукмдор даражасига етиб, ўз даврида улкан салтанатни барпо этишга муваффақ бўлган.

Ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажойиб ал макдур фи тарихи Таймур” асарини гарчи Амир Темурга салбий ёндошув орқали ёзган бўлса ҳам Соҳибқироннинг ижобий сифатлари, унинг мардлиги, тартиб интизомга мойиллиги, жумладан унинг кўшинидаги тартиб интизомнинг қатъийлигини тан олишга мажбур бўлган. Унинг ёзишича: “Темур аскарларида хосу авом тенг ҳуқуқда эди. Ижозатдан олдин биров-бирова зулм қилса – ҳаттоки, у Темурга ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам – ёки заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса, ёки наҳбу-ғорат тўғрисида сўз очса, ... на надомат, на шафоат унга нажот келтирмас эди” (Ибн Арабшоҳ, 1992:46). Демак, Амир Темур армиясидаги ҳарбийлар аввало қатъий тартиб-интизомга риоя қилишган. Кейинчалик, улар зулму ситамдан, ноҳақлик каби салбий иллатлардан ўзларини тийишлари лозим эди.

Низомиддин Шомий ўзининг “Зафарнома” асарида Соҳибқирон номидан қуйидаги фикрларни ёзиб қолдирган: “Кимда-ким олдиндан хушёрлик шартларига риоя қилмаса, эҳтиёткорлик чорасига бепарволик билан қараб, ёвуз ниятли душманга эътимод қилса, ўз ҳалокатига ўзи интилган ва ўз давлатининг заволига ўзи ҳаракат қилган бўлади” (Низомиддин Шомий, 1996:52). Бундай фикрдан хулоса қилиш мумкинки, Амир Темурнинг сипоҳи ғафлату бепарволикка йўл қўймаган, ёвуз ниятли душман ундан устун келишидан илгари керакли чора-тадбирларни кўрган.

Амир Темур армиясида сипоҳ агар ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажарса, энг пастдан юксак мартабага чиқар, фақат у вазифасини инсоний қиёфасини йўқотмасдан бажариши лозим, чунки ҳарбийнинг вазифаси фақат қилич чопиш эмас, негаки “сигир ҳам гоҳида шох урар, ўша сузмоқ билан мартаба ва мансабга лойиқ бўлмас” (Темур қиссаси, 2004:227).

Амир Темур кўшинидаги жангчи уруш пайтида ярадор бўлса унга даволаниб тикланиши учун харажатлар ва иш ҳақи берилган. Ярадор бўлиб

қочадиган бўлса ундай жангчига жазо берилмаган, аксинча унинг аҳволи тўғри баҳоланган, унинг қилган ишини инкор этиб бўлмасди, чунки жароҳати жангчи ҳолининг гувоҳидир. Ҳар жангчи қариса, уни хизмат ҳақи ва мансабдан бўшатишмаган. Аскарларнинг қарилари иззат-икром қилинган, уларнинг сўзларига қулоқ солинган, чунки ҳар сўз айтадиган бўлса, тажрибадан бўлади. Уларнинг фарзандларини ҳимояга олишган, ўчоқларини совишига йўл қўйишмаган. Бундай муносабатни кўрган, бошидан кечирган қўшиндаги сипоҳнинг маънавий қиёфасини қандай бўлишига ортиқча исботлар керак эмас (Темур қиссаси, 2004:227).

Амир Темур қўшинида хизмат қилувчи сипоҳ ҳарбий хизмат даврида, айниқса уруш пайтида ўз ҳукмдорига садоқатли бўлиши, жанг майдонида асосий диққатини буйруқни сўзсиз бажаришга, душманни маҳв этишга қаратиши лозим эди. Соҳибқиронни фармони бўйича жангчиларнинг ҳар қайсиси ўз ҳолича жанг майдонида бепарволик қилса, хизмат ҳақидан ўндан бири камайтирилган, ўнбоши юзбошини тасдиғи билан, юзбоши мингбоши тасдиғи билан, минбоши амир ул-умарони тасдиғи билан хизмат ҳақи олган. Бундай тизимда сипоҳнинг хизматига уни бевосита фаолиятини кузатадиган шахснинг аниқ тасдиғи олингандан кейин ҳақ тўланиши сипоҳнинг барчаси доимий назорат остида бўлганлигидан дарак беради (Темур қиссаси, 2004:219).

Амир Темур ўз қўшинида амирларни мамлакат кўрғонларига тенглаштиради. Уларни хатти-ҳаракатлари сипоҳийларга ибрат бўлиши лозим эди, чунки уларни аксариятини Соҳибқиронни ўзи шахсан тарбиялаган эди. Мабодо улар ҳарбий ҳаракатлар пайтида ўзаро келишмасалар, ҳукмдор фармони билан улар амирлик ва бошқаришдан четлаштирилган. Агар амирларнинг қилган ишлари мулк ва вилоятда бузилишга олиб келса уларнинг мансаблари пасайтирилган (Темур қиссаси, 2004:221).

Темур аскари ичида аёллар ҳам бўлиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Улар душман эркакларига қарши туриб мардонавор уруш қилардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар (Ибн Арабшоҳ, 1992:99).

Амир Темур ҳам қадимги ва ўрта асрларда йирик ҳукмдорлар каби ҳарбий юришларида қарвон йўлларини эгаллашни асосий вазифалардан бири деб ҳисоблаган. У Шарқ билан Европани боғловчи қарвон йўлларини қўлга киритиб, зарур шарт-шароитни тўла яратишга эришди. Соҳибқирон буйруғига биноан йўл устига кузатувчилар, зобитлар

тайинланган, улар йўлларни қўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйишган. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш кузатувчиларнинг зиммасида бўлган. Бундай вазифаларни бажарадиган сипоҳийлар қандай маънавий қиёфага эга бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Маълумки, Амир Темур яшаган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто, уруш қонуниятлари бўлган. Уруш ҳаракатлари натижасида ғолиб чиққан қўшин мағлуб устидан ҳукмрон эди, унинг хатти-ҳаракатларини муҳокама этиш ҳозирги давр нуктаи назаридан бирмунча тўғри эмасдир. Лекин Амир Темур ўша даврда ҳам агар оддий жангчи ўз ҳаддидан ошиб, зулму ситамга қўл урса, уни мазлум қўлига беришни фармон берган, токи адолат қарор топсин (Темур қиссаси, 2004:223).

Амир Темур қўшинида сипоҳнинг мардлик, баҳодирлик ва жасорати ҳеч қачон эътиборсиз қолдирилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир кўрсатиладиган жасорат навкарнинг мартабасини ошишига сабаб бўлган. Унинг барча амирлари ана шундай сифатлар орқали шу мартабага эришишган. “Улар шундай жамоа эдики, ҳаммалари асил ва олижаноб, баҳодир ва одил, тузниятлик, тадбирлик, ҳушёрлик, эҳтиётлик, узокни кўриш ва чуқур ўйлаш билан машҳур эдилар” (Темур қиссаси, 2004:225). Соҳибқирон ўзининг амирларини ҳар бирига биттадан ўринбосар тайинлаган, мабодо урушлар пайтида амирлардан бирортаси вафот этса, ёки яраланиб фаолиятини давом эттира олмай қолса, ўринбосар унинг жойини эгаллаган ва улар «*мунтазир-ул-аморат*» («*амирликка мунтазир*») деб номланган (Темур қиссаси, 2004:226).

Амир Темурнинг қўшинида сипоҳнинг тарбияси доимий ва узок давом этган жараён эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ҳарбий мансаб пиллапоясидан кўтариладиган ҳар бир сипоҳ ўзидан юқори лавозимдаги ҳарбийнинг ноиби бўлган. Масалан, ўн икки нафар ғайратли ва номусли, урушларда тобланган сипоҳийларга амирлик лавозими берилган. Биринчи амирда минг нафар навкар бўлиб, у иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амирда икки минг нафар қўшини бўлган ва у учинчи амирнинг ноиби, шу тариқа ўн иккинчи амир ўн икки минг қўшинга эга бўлгани ҳолда амир ул-умаронинг ноиби бўлган, амир ул-умаронинг ўзи эса Соҳибқироннинг ноиби бўлган. Ҳар бир амир ўз ноибининг тарбиясига, унинг фаолиятини назорат қилишга масъул бўлган. Бундай тизимда тарбия топган ҳарбийлар ўз даврининг ҳар қандай кучли

армиясини ҳам ҳал қилувчи жанглarda мағлубиятга учрата олган (Темур қиссаси, 2004:226).

Амир Темур тарбиясини олган унинг саркардалари ҳам бурчга садоқат, мардлик, жасорат масаласида ибрат нмунаси бўлган. Масалан, Амир Шайх Нуруддин мирзо Соҳибқирон вафот этгандан кейин набираси Халил Султон унинг васиятларига риоя қилмай Самарқандда мавқеини турли йўллар билан кучайтириб Хуросонда мустаҳкам ўрнашиб олган Шохруҳмирзо билан қарама-қаршиликка киришганда улар ўртасида муносабатларни яқинлаштириш ва ҳар икки тараф орасидаги дўстлик боғичларини мустаҳкамлаш борасида кўп жидду жаҳд кўрсатди (Абдурразоқ Самарқандий, 2008:53).

Соҳибқирон улуғ амирлари ва номдор вазирларига қарата “Душман устидан ғалаба қилишни аскарнинг кўплиги ва тартибига боғлаб қўйган эмас, бу борада олий ҳиммат, саботли ирода ва мардоналик куч-қудратининг таъсири зўрдир” (Низомиддин Шомий, 1996:290), деб айтишидан шуни англаш мумкинки, Амир Темур қўшинидаги сипоҳ маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳам мардлик ва иродани намоён этишга тайёр бўлган.

Салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида авлодларига қолдирган “Тузуқлари”да Амир Темур “Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан жаҳонгашталик қисматим бўлди, ранжу меҳнатлар тортдим. Амирлар ва аскарларимни юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва уларни тарбият этдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим” (Темур тузуқлари, 2016:75), деб ёзган эди. Бундан кўриниб турибдики, Соҳибқирон ўз аскарларига ибрат намунаси бўлган, уларни деб керакли пайтда мешаққатларни ўз бўйнига олган, сипоҳини эса ўзига ўхшаб тарбиялашга интиланган. Бу ҳолни гувоҳи бўлган аскарлар, баҳодирлар, сипоҳсолорлар Темур атрофида жипслашишган, бундай яқдиллик натижасида қатор мамлакатлар фатҳ этилган.

Амир Темур давлат ва салтанат ишларини бошқаришда фарзандларига қолдириб кетган ўн иккинчи тузукида “Қайси бир аскар туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим” (Темур тузуқлари, 2016:78), деб ёзиб қолдирган. Демак, Темур армиясидаги сипоҳ вафодор ҳам бўлиши, хоинлик қилмаслиги шарт эди. Вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйган сипоҳий лаънатланган ва жазога тортилган.

Амир Темур армиясидаги аскарнинг маънавий қиёфасига эътибор берилса, уларга мавжуд ҳуқуқий меъёрларга итоат этиш хусусияти ҳам хос бўлган. Чунки лашкар учун махсус қози тайинланган, лашкар сафида муҳтасиблар амал қилганки, улар лашкарнинг жангу жадал пайтида, фатҳ этилган шаҳарларга кириб борганда қонун меъёрларидан ўтиб кетмаслигини назорат қилган.

Маълумки, Амир Темур ўз салтанатини ўн икки тоифадаги кишиларга таяниб мустаҳкамлаган. Уларни давлати корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисоблаган. Ўша тоифаларнинг тўрттинчиси – амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар бўлган. Темур жанг майдонида мардона қилич чопишган шижоатли жасур кишиларни хуш кўрган. Сипоҳгарчилик ишларида уларга ишонган, улардан маслаҳатлар олган (Темур тузуқлари, 2016:93).

Бешинчи тоифа сифатида сипоҳ ва раиятни билган, уларни ҳар иккисига бир кўз билан қараган. Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довюракларни тақдирлаган, мартабаларини кўтарган. Ўзларига нисбатан бундай эътибор натижасида қандайдир босқинчи тўда эмас, ҳар томонлама таълим кўрган, жанговар қобилияти ниҳоятда баланд, масъулиятли, ўз бурчига садоқатли, мақсадга интилувчан, мард ва жасур кишилардан иборат ўз даври учун энг илғор армия шакллланган.

Темур фикрича: “Ҳақиқий навкар қўл остида ўз навқари бўлган тақдирда ундан нимани талаб қилса, унинг беги ҳам ундан айнан шу нарсани кутади. Қайси навкарнинг ҳиммати емак-ичмак, яхши кийинмаккагина боғланар экан, албатта иш вақтида сусткашлик қилади. Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ бурчини унутиб, иш вақтида меҳнатдан юз ўгирар экан, ундай навкардан юз ўгирмоқ лозим. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса, бунга ўхшаш навкарлар номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар” (Темур тузуқлари, 2016:127).

Амир Темур устозидан эшитган “Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда тура олмайди”, деган сўзларни ўзининг ҳаётий шиорга айлантирган, сипоҳийлардан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмаслигини, раиятнинг от-уловини тортиб олмаслигини қатъий талаб қилган. У сипоҳийларидан ҳар бир мамлакатнинг раияти билан бўлган муомалада холислик билан иш тутишни талаб қилган.

Эътибор берилса, Амир Темурнинг армиясидаги сипоҳийларнинг маънавий қиёфаси унинг барча ғалабаларини гарови бўлган, қўшинни бошқариш осонлашган, унинг ҳаракати ўша даврдаги бошқа кучли армиялардан фарқ қилган. Бундай қўшин

билан ҳар қандай ҳарбий тактикани қўллаш муваффақиятли натижага олиб келган. Ҳатто, Амир Темур салтанат тахтида ўтирганда баҳодир деган фахрли номга эга мард йигитлар, қилич чопиб танилган ўғлонлар салтанат тахтининг орқасида, ўнг томонда туришларини, қаровулбегилар салтанат тахтининг орқасида, чап томонда туришларини буюрган. Рамзий маънода улар Амир Темур давлатининг ишончи ва таянчи бўлган.

УСЛУБЛАР

Амир Темур фаолиятини ўрганган хориж ва маҳаллий тарихчиларнинг асарларида ҳам Соҳибқироннинг қўшинидаги амал қилган тартиб-интизом, ғалабага бўлган ишонч, сипоҳийларни ҳарбий ва жисмоний тайёргарлигининг ниҳоятда баландлиги, қолаверса сипоҳийларнинг маънавий қиёфасининг яхшилиги кўплаб ғалабаларни қўлга киритишга сабаб бўлган.

Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан озод этиб ҳукмдорлик қила бошлаган даврда Оқ ўрда Амир Темурга хавф солиб турар эди. Оқ ўрда ҳукмдори Ўрусхоннинг ноибларидан бири Тўйхўжа Ўғлон бир неча қурултойларда Ўрусхоннинг фикрларига қарши чиққанлиги учун ўлдирилган эди. Унинг ўғли Тўхтамиш ўз ҳаётига хавф вужудга келганлиги учун Амир Темурдан паноҳ истаб келган эди. Амир Темур уч маротаба Тўхтамишхонга Ўрисхонга қарши курашиши учун қўшин ва ҳарбий анжомлар билан ёрдам беради. Тўхтамиш ва Ўрисхон ўртасидаги жангларнинг бирида Ўрисхоннинг ўғли ҳалок бўлади. Темурдан паноҳ олган Тўхтамишхонни беришни, акс ҳолда уни давлатига юриш қилиш мумкинлиги билан таҳдид солган Ўрисхоннинг мактубига, «Бизга сизиниб келган бир кишини ёвга топширмак урф-одатларимизга зиддир. Агарда бу хусусда бизга қаршилар чиқар экан, ҳар замон урушга тайёرمىз», дея жавоб қайтарган эди (Ака, 1996:13). Кўриниб турибдики, аҳдига вафолик, садоқатлилик ва олижаноблик Темурга хос хусусиятлардан бўлган.

Амир Темур ҳарб кишиси сифатида фақат умрини жангу жадалларда ўтказиб юбормаган, балки мамлакатнинг ободончилиги, илм-фан, санъат ва маданият, савдо-сотиқни ривожлантиришга доимо ҳаракат қилган. Бу эса Амир Темурдан ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билимларни талаб қилган. Темур эса бу билимлардан хабардор бўлишга интилган ва мақсадларига самарали эришиб борган.

Амир Темур бунёд этган давлат ҳарбийлашган мамлакат бўлган. Бу мамлакатда ҳар бир ҳарбий ўз вазифасини аниқ бажарган. Хатога йўл қўйиш, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар, ҳарбий сифатида ўз ваколатларидан ташқари чиқиш кескин жазога сабаб бўлган. Аскар урушда қўлга киритган ўлжани

бўлишда ҳам адолат тамойили амал қилишини билган, чунки «буюк аморат девони» дейилган махсус девон катта ҳуқуқ ва таъсирга эга бўлиб, ўрдунинг қонунлари ва тартиб-интизоми билан шугулланган, ўлжани тақсимлаган (Ака, 1996:114).

Тож-тахт ва салтанат тақдирида сипоҳнинг роли бениҳоят катталигини билган Амир Темур уларнинг эл-юртга астойдил садоқат билан хизмат қилиши, қай аҳволда бўлиши, туриш-турмуши ва таъминотиغا катта эътибор берган. Соҳибқирон сипоҳ ўзининг маънавий қиёфасини йўқотиб, ғоратгар бир тўдага айланиб қолишини олдини олиш учун уларнинг бошини силаган, уларга ойлик маош белгилаб қўйган, урушларда қўлга киритилган ўлжалардан аскарларга ҳам ўз ҳиссаси ажратиб берилган, ҳатто Рум юришидан олдин етти йиллик ойлик маош аскарларга олдиндан тўлаб берилганлиги тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган (Аҳмедов, 1996:20).

Темур аскар ва амирлашкарларга алоҳида эътибор билан қараб уларни тарбиясига жиддий ёндошган. Ҳар бир зобит ўзи биладиган жанг услубларини навкарларга, узоқ муддат ҳарбий хизматни ўтаган навкарлар эса янги аскарликка олинган сипоҳийларга ўргатиб, ўзига хос “устоз-шогирд” анъаналари давом этган, сипоҳий ўзининг йўлбошчисидан ҳарбий таълим ва тарбиянинг барча жиҳатларини олишга интилган. Кўпинча сипоҳийлардан жангда аёвсиз ва довюрак бўлиш талаб қилинган. Қўшинлар ҳарбий юришга чиққан пайтда тартиб интизом янада ҳам кучайган, энг масъулиятли вазифалар довюрак ва ботир сипоҳийларга топширилган (Мухаммадҷонов, 1994:29).

Француз темуршунос олими Льюсен Кереннинг фикрича, Темурнинг енгилмас бўлганлигининг асосий сабаби унинг ўз навкарлари содиқлигига эришганлигидадир. Унинг навкарлари асли Марказий Осиё халқлари орасида кўпчиликни ташкил қилган кишилар каби Темурга қўшилгунга қадар рўшнолик кўрмаган кўчманчи, чўпон, овчи, деҳқон, баққол, косиб, сорбон, аскар, адиб ва хоказолар бўлиб, сўнг баҳодир, паҳлавон ва ўз амирига бутунлай содиқ жангчига айланар эдилар. Улар туфайли Темур ўзининг барча режаларини ва ҳарбий юришларини амалга оширишга муваффақ бўлган (Керен, 2020:47).

Навкарлар Темурни ўзларининг музаффар қаҳрамони ва энг доно давлат раҳбари деб билишган. Уларнинг амирга ишончи шунчалик кучли бўлганки, ҳатто унинг ногирон эканлигини, қўлтигига кириб, суяб юраётганликларини ва отигача қўлларида кўтариб олиб бориб миндириб қўяётганликларини хаёлларига ҳам келтиришмаган (Керен, 2020:47).

Темур ўта омилкор бўлиб, барча ҳарбий усулларни ўз ўрни ва вақтида эпчиллик билан ишга сола билган. У серқирра истеъдод эгаси эди. Ўз аскарлари орасида бўлиб, мушкулларидан хабар оларкан, далда бериб турган, шахсий намуна кўрсатиб, уларни жангга, ғалабага чорлаган (Керен, 2020:47). Соҳибқироннинг ўзидан бундай муносабат, ибратни кўрган сипоҳийни маънавий-руҳий ҳолати қандай бўлганлигини тасаввур қилиш унчалик ҳам мушкул эмас.

Амир Темур қўшин маънавий қиёфасини йўқотмаслиги учун сипоҳларни яроғ-аслаҳалар, маош ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Жангчиларнинг хизматларини каттиқ қадрлади ва ўзини кўрсатганларга «баҳодир» унвонини таъсис этди. Ҳатто ҳарбий хизматга аёллар ҳам жалб қилинган эди (Зиёев, 2000:39).

Венгер тарихчиси Ҳерман Вамбери ёзишича, Амир Темур армиясида “Зобит (офицер) ҳарбий тактиканинг муҳимларини билиши керак эди. Бу узоқ вақт давомида ўзбек сипоҳийлари учун фарз саналган. Оддий аскар низомни қатъий бажаришга мажбур, жангга у аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши лозим эди” Вамбери, 1990:24). Амир Темур армиясидаги барча зобитлар ҳарбий соҳани билимдонлари бўлишлари зарур эди, яъни улар ўзлари устида мунтазам ишлаб уруш тақдирини ҳал қилишда етакчи рол ўйнашлари, ўз қўл остидаги сипоҳларни низомга риоя этишини қатъий назоратга олишлари лозим эди. Оддий аскардан талаб этиладиган яна бир хусусият унинг довюраклиги бўлганки, бу тушунча аскарда эътикод даражасига етиши шарт эди. Довюрак аскар жангу жадал майдонида ўзини нималарга қодир эканлигини кўрсатиб, омонлик истаган душманга муносабатда ўзини инсонпарварлигини намоён этиши лозим эди.

Буюк лашкарбоши ва фавқулотда ҳарбий ташкилотчи сифатида Амир Темур ўта интизомли армия тузди, жанг стратегияларини ва жангнинг ютиб чиқиш усулларини, қўшиндан вақтида усталик билан фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқди. Шу билан биргаликда Амир Темур бошқа лашкарбошилардан фарқли равишда ўз армиясининг ҳарбий низомларини ўзи ишлаб чиқди. Уруш чоғида қўшиннинг ҳеч нарсага муҳтож бўлиб қолмаслиги учун қўшиннинг ёрдамчи қисмини қассоб, ошпаз, хунарманд, темирчи ва ҳатто кўчма ҳаммом билан ҳам таъминлаган (Чориев, 2020:25).

Амир Темур қўшини забт этган шаҳар, қалъа ёки вилоятларга ўзбошимчалик билан зулм ўтказишни таъқиқлаган. Беҳуда қон тўқилмаслигига алоҳида буйруқ берган. Нафақат, бир томчи қон тўкилиши, балки имкон қадар умуман, қўшинлар

тўқнашмаслигининг ҳам олдини олиш учун, Амир Темур ҳар юришдан олдин ўша вилоят ҳукмдорига нома юбориб ўзини тан олишни сўраган. Агар бу талаб қондирилса, вилоят ҳокимига ҳурмат билан қараган ва қурбонларнинг олдини олганлиги учун иззат-икром кўрсатган. Соҳибқирон ҳарбийларининг ижтимоий ва жанговор фазилатарни ўзида мужассам этганликлари нафақат жангларни, балки бутун бошли вилоятларни эгаллаш ва идора этишда ҳам қўл келган (Чориев, 2004:27).

Соҳибқирон ҳарбий ғалаба-ю, муваффақиятлардан сўнг тўй-томошалар, тантаналар белгилаган ва уларда қўшиннинг оддий аскарлардан тортиб, лашкарбошисигача оилалари билан қатнашган. Ушбу тантаналарда, жангу-жадалларда фаол иштирок этган сипоҳлар ва лашкарбошилар тақдирланганлар, жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган ботирларнинг оилаларига аскарларнинг улушлари берилган ва яна тақдирланган. Амир Темур аскарларида ҳарбий истеъдод тушунчаси билан биргаликда ижтимоий адолат тушунчалари акс этиб турар эди (Чориев, 2004:29).

Амир Темур сипоҳийлари вақт ўтиши билан қобилиятига қараб маъмурий вазифаларни ҳам бажаришга ишониб жалб қилинган. Масалан, доруғаликка тайинланган сипоҳ ҳуқуқий билимлардан ташқари ўзларига қарашли ерларда тинчлик ва хотиржамликни сақлашга масъул бўлганлар. Шаҳар ва қишлоқлардаги кутвоплар халқнинг тинчлигини кўриқлаб, бордию бирон нарса йўқолса ёки ўғирланса улар жавобгар бўлганлар. Йўловчиларни бир манзилдан иккинчи манзилга етказиш зобитлар зиммасида бўлган. Аскарлар тун қоровуллари бўлиб, маълум ҳудудларга бўлинган ҳолда жинойтларни очишда муҳим ўрин эгаллаганлар (Одилов, 2016:125).

Амир Темур қўшинни парокандаликдан сақлаб, ҳар қандай айирмачилик ҳаракатига йўл қўймасликка ҳаракат қилган. Унинг қўшинида турли тилларда сўзлашувчи қавмлар бемалол хизмат қила олган. Қўшинда ҳар қандай диний, ирқий камситишларга йўл қўйилмаган. Бу ҳолат шундан далолат берадики, сипоҳнинг маънавий қиёфасига диний ва миллий бағрикенглик ҳам хос бўлган (Одилов, 2016:137).

НАТИЖА

Амир Темурнинг ҳаёт тарзи, унинг сиёсий ва ҳарбий мероси бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Шунинг учун, дунё бўйлаб Амир Темур шахсини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормокда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Амир Темур ҳақида ўз фикрларини баён этиб “Халқимизни қарамлик исканжасидан халос этган, тарқоқ ва пароканда эл-

улусни бирлаштириб, мустақил ва қудратли давлатга асос солган бу улуг сиймонинг ғоя ва қарашлари нафақат ўз даври, балки бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши бежиз эмас”, деб ёзган эди (<https://n.ziyouz.com/>).

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида “Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”, деган эзгу даъватни ўртага ташладилар (<https://parliament.gov.uz/>). Буюк бобокалонимизга юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси сифатида бўлажак ватан ҳимоячиларини тарбиялаш мақсадида ташкил этилган ҳарбий мактабларга Президентимизнинг ташаббуслари билан “Темурбеклар мактаби” номи берилди. Президентимиз томонидан Давлат Хавсизлик Хизмати Академиясига эса Амир Темур Академияси номининг берилиши бу билим ва тарбия масканларида таълим ва тарбияланаётган ҳар бир ватан ҳимоячисига, уларда фаолият юритадиган раҳбар кадрлар, зобит ва ҳарбий хизматчиларга, педагоголарга бир томондан юксак фахр-ифтихор туйғуси, иккинчи томондан катта масъулиятни ҳам юклайди.

Француз тарихчиси, темуршунос олим Люсьен Керен таъкидлаганидек: “Агар Амир Темур фақатгина жангу жадал ёхуд ашаддий истилолар ишқида ёнган буюк фотиҳ бўлганида эди, уни тарих кўп ҳам қизиқтирмасди. Тўғри, Амир Темур мохир саркарда, битмас-туганмас ғайратга эга раҳбар, қатъиятли, шижоатли жангчи бўлгани рост, бироқ бу – биз у ҳақда билганларимизнинг ҳаммаси эмас”(Керен, 1996:28). Демак, бугун барчамиз Амир Темурнинг бой ҳарбий-сийсий меросини, унинг ижтимоий-маданий ғояларини чуқур ўрганишни давом эттиришимиз лозим.

МУҲОКАМА

Амир Темур ўта мураккаб сиёсий жараёнлар амал қилган тарихий даврда яшаган, ана шу қийин вазиятда ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун сабот билан курашган. У ҳокимиятни мерос сифатида олмаган, у ҳокимиятни қўлга олиш учун жуда оғир кечган курашлар олиб борган, ана шу курашлар жараёнида ўз давлатини барпо этишга мушарраф бўлган. Бундай шароитда Темур қийинчилик билан эришилган мақсадларини осонлик билан қўлдан чиқаришни ҳеч қачон хоҳламаганлиги табиий. Шунинг учун у ўз даври талабларидан келиб чиқиб гоҳида қаттиққўл ҳукмдор, гоҳида кескин қарорларни қабул қилган саркарда мақомида бўлган.

Лекин бундай қаттиққўллик ва кескинликни бутун давлат ва ҳукмдор фаолиятининг барча соҳаларига алоқадор дейиш ҳам нотўғри. Нима бўлганда ҳам Амир Темурни адолат тамойиллари орқали давлат бошқаргани ва бу тамойилларга содиқлик муайян даражада унинг фарзандлари, амалдорлари, қўшини ва сипоҳийларида ҳам бўлганлигини рад этиб бўлмайди.

Германиялик профессор Юрген Пауль фикрича, адолат тушунчаси Амир Темур учун катта аҳамиятга эга бўлган. Унинг тушунишича, бу ахлоқий тоифа ҳукмдорга хос бўлиши керак. Агар ҳукмдор адолат қонунларига риоя қилмаса, у мамлакатни бошқара олмайди. Бундай ёндошиш натижасида адолат ҳукмдорнинг фазилати эмас, давлат институти бўлиб қолди (Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари, 1997:156). Адолатлилик жамиятда ҳукмрон ғояга айланган шароитда сипоҳ ундан бебаҳра қолиши мумкин эмасди, аксинча зарур бўлганда унинг ўзи адолат тантанаси учун хизмат қилиши лозим эди.

ТАҲЛИЛ

Таҳлиллار шуни кўрсатмоқдаки, Амир Темур ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти давомида ўз даврининг ҳукмдори сифатида имкон қадар барпо этган давлатни барқарорлигини таъминлашга, уни ташки душманлардан ҳимоя қилишга, таҳдид сола бошлаган давлатларга олдиндан зарба беришга, ўзига қарши тузилган сиёсий иттифоқларни парчалаб ташлашга ҳаракат қилган. Бундай қийин вазифаларни кучли армияга таянмаган ҳолда амалга ошириш мумкин эмасди. Шунинг учун Амир Темур тузган армия замонасининг бошқа армияларидан, сипоҳий эса бошқа армиялардаги сипоҳийлардан ҳар жиҳатдан кескин фарқ қилган. Бу натижага Соҳибқирон ўз армиясида олиб борган ислохотлар орқали эришган. Ҳарбий ислохотлар қўшинни ташкиллаш, жанговарлигини ошириш, куrollаниш даражасини яхшилаш билан чегараланиб қолиши мумкин эмасди. Амир Темур давлатида ҳарбийлар аҳолининг алоҳида тоифасига айланди, шунинг учун ҳукмдор ўз кўрсатмалари билан аввало қўшиннинг ижтимоий ҳолатини қонунийлаштириб қўйди, шунингдек аскарга нисбатан давлат томонидан бўлган ижтимоий эътибор тушунчасини муомалага киритди (Чориев, 2004: 25).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур ўз даври учун замонавий ва жанговар қобилияти баланд армияни тузишга муваффақ бўлган. Бу армия

Амир Темури барпо этган мамлакатнинг хавфсизлиги, унинг тинчлигини муҳофаза этган, мамлакатнинг ташқи душманларига қарши самарали кураш олиб борган. Бу армиядаги сипоҳ фақат жанговор ҳаракатларда қатнашиш, бой ўлжаларни қўлга киритишдек тор манфаатлар билангина ҳарбийлик мақомига эришмаган. Амир Темури армияси сафига кирган сипоҳ жамиятнинг алоҳида қатлами сифатида ўзига бириктирилган вазифаларни профессионал даражада бажариши, бурчига садоқатли бўлиши, ўз етакчиларидан ўрганган мардлик ва жасорат намунаси орқали касбий нуқтаи назардан ўсиши лозим эди.

Сипоҳ Амир Темури армиясида ўз фаолиятини самарали бажарганлиги учун етарли даражада кадрланган, унинг мардлиги ва жасурлиги эътиборсиз қолдирилмаган, уни тарбиялаш жараёнида оддий зобитдан тортиб то ҳукмдорнинг ўзига шахсий ибрат намунаси бўлишган. Сипоҳ Амир Темури армиясида давлатнинг асосий ғояси адолатпарварликни ҳимоя қилиши бўлиши керак эди, у жамиятдаги юқори мартабасини, фаровон турмуш тарзи, иззат-икромни йўқотмаслик учун ҳукмдор томонидан тартиб берилган барча низомларга тўла тўқис риоя қилиши лозим эди. Амир Темури фаолиятини тасвирлаган ўрта аср тарихчилари, замонавий маҳаллий ва хориж темуршунос олимларнинг асарларида фикримизни исботлайдиган қатор мисоллар мавжуд. Қолаверса Амир Темури фаолиятини илмий нуқтаи назардан ўрганиш натижасида юзага келатган янги маълумотлар ҳам тадқиқот хулосаларини янада бойитиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Амир Темури шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти. **Амир Темурининг 660 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум материаллари.** (1997) -Тошкент.: *Мир, экономика и права*.
2. Темури тузуқлари. (2016) Форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. -Тошкент.: Ўзбекистон.
3. Темури қиссаси (2004) (Қиссаи Темурий, “Темури эсдаликлари, Малфузоти Темурий). -Тошкент.: Фан.
4. Ака И. (1996) Буюк Темури давлати. - Тошкент.: Чўлпон нашриёти.
5. Арабшоҳ И. (1996) Амир Темури тарихи. -Тошкент.: Меҳнат.
6. Аҳмедов Б. (1996) Соҳибқирон Темури.-Тошкент.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.
7. Вамбери Ҳ. (1990) Бухоро ёҳуд Мовароуннах тарихи. -Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
8. Зиёев Ҳ. (2000) Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси.- Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.,
9. Керен Л, Саидов А. Амир Темури ва Франция (1996).-Тошкент.: Адолат,
10. Керен Л. (2020) Амир Темури салтанати.- Тошкент.: Ўзбекистон.
11. Муҳаммаджонов А. (1994) Темури ва темурийлар салтанати. -Тошкент.: Қомуслар бош таҳририяти.
12. Одилов А. (2016) Амир Темури тузуқлари – давлат бошқаруви асоси. -Тошкент.: Фан ва технология.
13. Самарқандий А. (2008) Матлаъи садайн ва мажмаи баҳрайн.- Тошкент.: Ўзбекистон.
14. Чориев А. (2004) Соҳибқирон Амир Темури ҳаётидан лавҳалар.- Қарши.: Насаф.
15. Шомий Н. (1996) Зафарнома.- Тошкент.: Ўзбекистон.
16. Ўлжаева Ш.(2018) Амир Темури дипломатияси.- Тошкент.: Ижод-пресс.
17. <https://parliament.gov.uz/>
18. <https://n.ziyouz.com/>

REFERENCES

1. Evaluation of the personality of Amir Temur by his contemporaries and the importance of his activity for independent Uzbekistan. Proceedings of the international symposium dedicated to the 660th anniversary of Amir Temur. Tashkent.: Mir, ekonomika i prava, 1997.
2. Temur tuzuklari. From the Persian text A. Soguniy and H. Karomatov's translation. -Tashkent.: Uzbekistan, 2016.
3. Temur qissasi (Temur qissasi, Temur esdaliklari, Malfuzoti Temuriy), Tashkent.: Fan, 2004.
4. Ahmedov B.(1996) Sohibqiron Temur. -Tashkent .: Abdulla Qodiriy National Heritage Publishing House.
5. Aka I. (1996) Buyuk Temur davlati .- Tashkent .: Cholpon Publishing House.
6. Arabshoh I. (1996) Amir Temur tarixi . -Tashkent .: Mehnat.
7. Choriyev A. (2004) Sohibqiron Amir Temur hayotidan lavhalar. -Qarshi.: Nasaf.
8. Keren L, Saidov A. (1996) Amir Temur va Fransiya. -Toshkent.: Adolat.
9. Keren L. (2020) Amir Temur saltanati. -Toshkent.: O'zbekiston.
10. Muhammadjonov A. (1994) “ Temur va temuriylar saltanati . -Tashkent .: Qomuslar bosh tahririyati.,
11. Odilov A. (2016) Amir Temur tuzuklari – davlat boshqaruvi asosi. -Toshkent.: Fan va texnologiya.
12. Samarkandiy A. (2008) Matla'i sadayn and majmai bahrayn.- Tashkent .: Uzbekistan.
13. Shamiy N. (1996) Zafarnoma.- Tashkent .: Uzbekistan.
14. Uljaeva Sh. (2018) Amir Temur diplomatiyasi .- Tashkent .: Ijod-press.
15. Vamberi H.(1990) Buxoro yoxud Movarounnahr tarixi . -Tashkent .: Ghafur Ghulam Publishing House of Literature and Art, 1990.
16. Ziyoev H. (2000) Tarix – o'tmish va kelajak ko'zgusi .- Tashkent .: Ghafur Ghulam Publishing House of Literature and Art.
17. <https://parliament.gov.uz/>
18. <https://n.ziyouz.com/>